Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

1999 йил,
6 октябрь, чоршанба
40 (104)

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

• *Республика прокуратурасида*



ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ МУҚАДДАСДИР

Шу йилнинг 30 сентябрь куни Республика прокуратурасининг Марказий маҳкамасида Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгашни Республика Бош прокурорининг ўринбосари, III даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Б.Бекмирзаев қисқача кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди.


Кун тартибидаги биринчи масала — Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан инсон ҳуқуқлари ҳимоясига боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш борасидаги ҳамкорлигини янада яхшилаш тўғрисида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили С.Рашидова маъруза қилди.

Маърузачи Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили институтининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга тўхталиб, давлат бошқарувини такомиллаштириш, қонун устиворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унга амал қилишни таъминлаш борасида Омбудсманнинг идоралар ва суд ҳокимияти, инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа муассасалар ҳамда жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш масалаларига тўхталиб ўтди. Йиғилишда шунингдек, Республика ҳудудида 1998 йил ва 1999 йилнинг олти ойи мобайнида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар аҳволи ҳам муҳокама қилинди. Бу ҳақда Республика прокуратурасининг прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Р.Ҳамидов ахборот берди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Зокиров, Хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими С.Ибрагимова, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раисининг ўринбосари Н.Абдуллаев, Республика прокуратураси бошқарма прокурори Ю.Мирзаева, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори ўринбосари А.Пўлатов, Ижтимоий фикр маркази директори Р.Убайдуллаева сўзга чиқиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгашда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)



Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.

Ушбу сонда

ҲАЁТНИ АСРАНГ, СИНГИЛЛАР!
(5-бет)

АЖАЛГА ЕТАКЛОВЧИ ХАСТАЛИК
(7-бет)

КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИДА ҲАМ ТАРТИБ БЎЛИШИ КЕРАК
(8-бет)

Обуначилар диққатига!

«Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журналига 2000 йил учун обуна бошланди.

Обуна учун нашрларимиз индексларини эслатиб ўтамиз:

«Ҳуқуқ» газетаси:	«Қонун ҳимоясида» журнали:
Якка тартибдаги обуначилар учун -231	Якка тартибдаги обуначилар учун - 839
Ташкилотлар учун - 232	Ташкилотлар учун - 840

Обуна бўлишга шошилинг!

САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

ТЕНГЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Сайлов - ҳар бир фуқаронинг эркин тарзда амалга оширилувчи ҳуқуқидир. Мамлакатимизда қонун билан белгилаб қўйилган тенг, яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган ушбу сайловларда ҳар бир фуқаро ўзи танлаган номзодга овоз беради. Хўш, номзодлар қандай танлаб олинади? Маълумки, номзод танлашда сайловолди ташвиқотлари жуда муҳим рол ўйнайди. Яқинда Марказий Сайлов Комиссиясининг Матбуот марказида МСК раиси Нажмиддин Комилов бошчилигида матбуот ходимлари билан бўлган мулоқот ушбу масалага бағишланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги» Қонуннинг 25- моддасида сайловолди ташвиқотларининг тартиб-қоидалари қуйидагича берилган:

«Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга тенг ҳуқуқ берилади. Депутатликка номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади...

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул-маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши таъқиқланади.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди».

- Сайлов олди ташвиқотларида энг асосийси, тенглик мезонига амал қилинишидир,- деб таъкидлади мулоқатда МСК раиси,- бу масалада нодавлат матбуот органлари ҳам худди давлат матбуот органлари каби қонунда кўрсатилган тартибда фаолият олиб боришлари шартдир.

Сайловларнинг одилона ва адолатли ўтказилишида журналистларнинг роли беқиёсдир. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва сайлов тўғрисидаги қонунларни халқнинг онгига етказиш ва шу орқали муносиб депутатларни сайлаб олишга эришиш бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Бу борада радио ва телевидениенинг роли салмоқлидир. Энг муҳими, сайловлар тўғрисидаги ҳамда сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва номзодлар ҳақидаги маълумотлар тўғри, ҳаққоний, ишончли бўлиши лозим. Сайловолди ташвиқотларида уларга бир хил, тенг, холисона муносабатда бўлиниши ошкораликни таъминлашга ёрдам беради.

Мулоқот сўнггида МСК раиси Н. Комилов журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

(Ўз мухбиримиз)

НОМЗОДЛАР МУНОСИБ БЎЛСА...

Сайловлар жараёнида энг эътиборли гап шу: муносиб номзодларга овоз берайлик! Бу, албатта, барча сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси, таъбир жоиз бўлса - орзу-умидидир. Айни дамларда мамлакатимизда Республика Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодлар кўрсатиш жараёни қизғин давом этмоқда. Сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда бевосита фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан номзодлар танланмоқда. Энди асосий гап - ўша номзоднинг қай даражада муносиб инсон эканлигида!

Аввало, Олий Мажлисга кимлар сайланиши мумкин? «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида: «Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар», деб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эга эканлиги ҳам ушбу қонунда белгиланган.

Албатта, Қонун талабига ҳамоҳанг ҳаёт тақозоси ҳам бор. Эл ишончини оқлаётган, юртпарвар, фидойи, ақл-заковатли, ҳаётга теран назар билан қарайдиган муносиб кишиларгина шундай эътиборга лойиқ бўлиши мумкин. Қай даражада билимга эга эканлиги, маълумоти, интилишлари ва изланишлари, танлаган касбини, вазифасини қанчалик уддалаётгани, оиласидаги ўрни, одамлар билан муносабатлари, жамоат ишларидаги фаоллиги ҳам унинг қандай инсон эканлигини кўрсатади. Бирор сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи ёки бевосита фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кимнинг номзодини кўймоқчи бўлса, аввало, ўша фазилатларига эътибор бериши шубҳасиз.

Муносиб номзодлар орасидан ҳам энг муносибини танлаб, овоз бериш эса сайловчилардан жуда катта масъулият талаб қилади.

Хўш, Олий Мажлис депутатлигига кимлар номзод этиб рўйхатга олинмайдилар? Мазкур қонуннинг 23-моддасидан ушбу саволимизга аниқ жавоб топишимиз мумкин. Яъни:

«қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар».

Умуман, суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Демакки, номзодлар танланишида ҳам қонун устувор бўлмоғи жоиз. Тасодифий одамлар, депутатликни обрў ёки мансаб деб тушунган айрим шахслар ҳам ўзларича «отни қамчилаб» қолишга уриниши мумкин-да!..

Олий Мажлис депутатлигига номзодларга қўйиладиган талаблар моҳиятан жуда тўғридир. Бинобарин, ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинишлари ҳам мазкур қонунда белгилаб қўйилган. Бу ўринда «депутат этиб сайлангудек бўлсалар» деган иборани тўғри талқин қилмоқ жоиз. Яъни, ўша мансабдор шахс Олий Мажлисга номзод этиб рўйхатга олинган кундан то сайловгача сайловчилар билан учрашувларда иштирок этади, ўз сайловолди дастурини эълон қилади, тарғибот ишлари билан шуғулланади. У сайловда ғолиб чиқиб, Олий Мажлис депутати деган шарафли номга мушарраф овоз ололмаган тақдирда эса у яна ўз вазифасида меҳнат фаолиятини давом эттираверими мумкин. Бу фикрлар, албатта, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодларга ҳам тааллуқлидир.

Кўриниб турибдики, сайловлар чинакам демократик асосда ўтади. Сайловчилар ҳар бир сайлов округидан қўйилажак бир нечта номзоддан ўзлари энг муносиб деб танлаганларига овоз беришлари шубҳасиз. Демак, номзоди кўрсатилаётган инсонлар масъулиятни жуда чуқур англашлари лозим. Элнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришдек улкан масъулиятни ҳис этишлари зарур. Бу - ҳаёт тақозоси, жамият талабидир.

Феруза ФАЙЗУЛЛАЕВА,
ҳуқуқшунос

МУҲИМ ТАДБИР

Кеча Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида «Ҳуқуқий маданият — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг зарур омили» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис комиссияси фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари бўйича ишчи гуруҳининг Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги фаолияти, муаммолар, режалар муҳокама этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, мазкур ишчи гуруҳ раҳбари Баҳодир Эшонов ахборот берди.

Кун тартибидаги масала муҳокамаси юзасидан музокараларда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмуҳаммедов, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалилов ва бошқа тегишли вазирлик, идора ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманга Ўзбекистонда ваколатхоналари мавжуд бўлган халқаро ташкилотлар раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳуқуқий нашрларнинг вакиллари ҳам таклиф этилган эди. Ушбу йиғилиш фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳақидаги турли таклиф-мулоҳазаларга ниҳоятда бой бўлди.

Мазкур илмий-амалий анжуман ҳақида тўла ахборотни газетамизнинг келгуси сонида ўқийсиз.

•Тошкент вилояти прокуратурасида

ИЖРО ИНТИЗОМИ ҲАМ ЗАРУР

Яқинда Тошкент вилояти прокуратурасида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят прокурори Б.Сайфуллаев бошқарди.

Мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрель куни «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ижроси аҳволини текшириб, умумлаштириш якунлари ҳақида вилоят прокурорининг ўринбосари Х.Холиқов маъруза қилди.

Кун тартибига қўйилган иккинчи масала, яъни муқаддам содир этилиб, очилмасдан қолаётган қотиллик ва босқинчилик жиноятларини фош қилишга қаратилган тергов, тезкор-қидирув фаолияти ҳамда жиноятни очишда илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш аҳволи тўғрисида вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи А.Набиев ахборот берди.

Йиғилиш сўнггида ҳар иккала масала бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликлар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар кўрилиши ҳақида қарорлар қабул қилинди.

М.БОЛЛИЕВА

ОДАМЛАР ТЕНГЛИККА ИНТИЛАДИЛАР

«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» ЖУРНАЛИ ВА «ҲУҚУҚ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ ХОДИМЛАРИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЎТКАЗГАН УЧРАШУВЛАРИДАН ЛАВҲАЛАР

Таҳририятимиз ходимларининг илк учрашуви вилоят прокуратурасида бўлиб ўтди. Яқиндагина таъмирдан чиқарилиб, замонавий қиёфага эга бўлган прокуратуранинг мажлислар залида вилоятдаги маъмурий органлар раҳбарлари, бошлиқ ўринбосарлари ва ходимлари ҳозир бўлдилар.

Учрашувни вилоят прокурори, III даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Ботир Калонов кириш сўзи билан очиб, «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетасининг ҳуқуқий нашрлар ичида тутган ўрни, мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида амалга ошираётган ишлари ҳамда Республика прокуратура идораларининг қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш йўлида олиб бораётган ишларини ёритишдаги фаолияти хусусида тўхталиб ўтди.

Сўнг сўз навбати Бош муҳаррир А.АБДУРАЗЗОҚОВга берилди:

— Бугун ушбу залга тўпланиб турган маъмурий органлар ходимларига, қолаверса, ўз ўқувчиларимизга нашрларимиз фаолияти хусусида батафсил тўхталиб ўтишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман, - дея гапида давом этди Бош муҳаррир. — Сабаби, журналимизнинг ҳам, газетамизнинг ҳам мазмун-мундарижаси, йўналиши сизларга яхши таниш.

Бизнинг жойларга чиқиб, ўқувчиларимиз билан бундай учрашувлар ўтказишдан мақсадимиз эса, ўзаро алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, бевосита мулоқотлар орқали бир-биримиз билан яқиндан танишишдир. Қолаверса, биз обуначиларимиз талабини, фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, шу асосда ишимизда туб бурилиш қилишни мўлжаллаганмиз.

Шу боисдан, таҳририятимизнинг фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида олиб бораётган кўпдан-кўп ишларига батафсил тўхталиб ўтирмасдан, ўзаро мулоқотимизни бошласак.

Шундан сўнг таҳририят ходимлари билан бевосита мулоқот бошланди.

Бахтиёр ЖАМОЛОВ,
вилоят суди раиси:

— Бир вақтлар прокуратура тизимида ишлаган давримда кўпчилик ҳамкасбларим қатори, мен ҳам ўзимизнинг, ўз тилимизда чиқадиган ҳуқуқий нашримиз бўлишини жуда-жуда истардим. «Қонун ҳимоясида» журналининг илк сони босмадан чиққанида, тўғриси, жуда севинганман. Кейинчалик, унинг қаторига қўшилган «Ҳуқуқ»ни ҳам менга ўхшаш барча ўқувчилар мамнуният билан кутиб олишди. Бугунги кунда ҳуқуқий нашрлар орасида уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз сўзи, ўз мавқеига эга. Энди эса, уларнинг фаолиятини янада жонлантириш керак. Тўғри, журнал, газетада бериб борилаётган мақолалар, таҳлилий чиқишлар ўқувчини тезда ўзига жалб этади, беэътибор қўймайди. Бу албатта, яхши. Лекин, ҳам оддий ўқувчиларга, ҳам ҳуқуқшуносларга кўпроқ нафи тегадиган материаллар кўпроқ бериб борилса, нур устига аъло нур бўларди. Республика прокуратурасида «Тергов амалиёти» номи билан бир услубий қўлланма чоп этилади. Унда жиноятларни очишдаги тергов ходимлари, криминалистларнинг маҳорати, тажрибалари аниқ мисоллар ёрдамида бериб борилади. Менимча, шу руҳ газета, журналда чоп этилаётган материалларга сингдирилса, янада яхшироқ бўларди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен яна бир муаммо устида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Яъни, газета, журналнинг нархи масаласи. Уларнинг баҳосини белгилашда ўқувчилар доирасини, уларнинг касб-корини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий нашрларнинг чоп этилишидан мақсад, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш экан, бу ҳар доим, ҳар бир масалада диққат-эътиборда туриши лозим.

А.АБДУРАЗЗОҚОВ:

— Таклифларингизни албатта, инобатга оламиз. Кейинги, ҳуқуқий нашрлар баҳоси масаласи хусусидаги мулоҳазаларингиз ҳақида қуйидагиларни билдиришим мумкин.

Биз аввал бошданоқ бу масала устида жиддий бош қотирганмиз. Журнал, газетамизни ўқувчиларга арзон нархда етказиб бериш йўллари устида изланганмиз. Ва қисман бунга эришганмиз ҳам. Ҳозирда нафақат ҳуқуқий, балки бошқа нашрлар ичида ҳам энг арзон нарх белгиланган бизнинг журнал, газетамиз ҳисобланади. Аммо, почта хизмати туфайли уларнинг баҳоси анча кўтарилиб кетганлиги бор гап. Биз обуначиларимизга нашрларимизни ўзимиз етказиб беришни ҳал этиш устида ҳам ишлаяпмиз. Ўйлайманки, бу масала ҳам ечимини топади.

Нурмат ЖУЛИБЕКОВ,
вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи:

- «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетасини мунтазам ўқиб борамиз. Билмаган нарсаларимизни ўқиб, ўрганамиз. Лекин, қизиқарли материаллар билан бирга, анча саёз ёзилган материаллар ҳам чоп этилмоқда. Бу нафақат ушбу нашрларга балки, бошқа марказий нашрларимизга ҳам тегишли. Ана шу нарсадан қочиш керак.

У.НАРЗУЛЛАЕВ,
вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари:

- Юқорида кўп бор таъкидланганидек, оммавий ахборот воситаларининг аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдаги роли беқиёс. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам «Қонун ҳимоясида» ва «Ҳуқуқ» газетаси таҳририятига ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчи эдим.

Аввало ҳаёт назарияси ва амалиётини ўзаро боғловчи материалларга кўпроқ эътибор қаратиш керак. Тергов, жиноий ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар билан бир қаторда, дам олиш соатларида асқотадиган материалларга ҳам кенгроқ ўрин берилса, яхши бўларди.

Зулфия РАЗЗОҚОВА,
вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси:

— «Қонун ҳимоясида» журналини доимий равишда ўқиб борамиз. Материалларининг ранг-баранглиги, мавзулари хилма-хиллиги айниқса бизга манзур бўлмоқда.

Шу ўринда мен ҳам бир таклиф билдирмоқчи эдим. Журнал саҳифаларида алоҳида рукн очилиб, ҳамкасбларимизнинг шеърлари бериб борилса. Масалан, «Инсон ва қонун» журналининг ҳар бир сонида бу нарсани кўриш мумкин. Бизнинг журналимизда ҳам шу нарса ташкил этилса, янада мамнун бўлардик.

Музаффар ҚУРБОНОВ,
ЖИЭМ бўйича Навоий прокурорининг ёрдамчиси:

— Журнал, газета саҳифаларида берилаётган мақолалардаги асосий урғу маънавият масалаларига, жиноятчиликнинг олдини олиш, воғага етмаганлар тарбиясига даҳлдор йўналишларга қаратилса кўнгилдагидек иш бўларди. Сабаби, маънавияти бут, ҳуқуқий жиҳатдан баркамол одам ҳеч вақт кўра-била туриб жиноятга қўл урмайди.

Учрашув сўнгида сўз олган Бош муҳаррир билдирилган барча таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинишини маълум қилди.

***



Суратда: вилоят прокурори Ботир Калонов қизилтепалик меҳнаткашлар ҳузурида.

Навоий Давлат педагогика институти вилоятдаги йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. «Қонун ҳимоясида» ва «Ҳуқуқ» газетаси ҳамда вилоят прокуратураси ходимларининг ҳамкорликдаги навбатдаги учрашуви ушбу институтда ўтказилди.

Ушбу йиғилишда ҳам Бош муҳаррир А.Абдураззоқов, вилоят прокурори Б.Калонов, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Яҳёев талаба ёшларга мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, сайловолди ҳаракатлари хусусида сўзлаб бердилар.



Талабалар даврасида

Учрашувда талаба-ёшлар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирдилар.

***

Қизилтепа туманининг Қосим Қобилов номли жамоа хўжалигида бўлиб ўтган учрашув эса барчага ўзгача кайфият бахш этди. Хўжаликнинг дала шийпони ишчи-хизматчилар, ҳашарчилар билан лиқ тўлди.

Йиғилишни туман ҳокими И.Шабонов қисқача кириш сўзи билан очиб, сўзни «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси Бош муҳаррири А.Абдураззоқовга берди. Бош муҳаррир меҳнаткашларга таҳририят фаолияти, амалга ошираётган ишлари хусусида гапириб, жумладан шундай деди:

— Журнал ҳам, газета ҳам аввало, *Сизнинг, халқнинг манфаатини кўзлаб ташкил этилган ва шу мақсадда фаолият кўрсатяпти. Биз топталган ҳақ-ҳуқуқини тиклашни сўраб мурожаат қилган кўплаб инсонларга ёрдам қўлини узатганмиз ва бундан кейин ҳам бу ишни давом эттирамиз. Сизларнинг ҳар бирларингиз ўзингизни қийнаётган, ҳал этилмаётган муаммоларингиз бўйича мурожаат қилишларингиз мумкин.*

Вилоят прокурори Б.Калонов ҳам ўз сўзида вилоятда қонунчиликнинг аҳволи, жиноятчиликка қарши кураш ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

— Вилоятимизда жиноятчилик, жумладан, оғир турдаги жиноятлар сонини қисқартиришга муваффақ бўлдик. Аммо, вояга етмаганлар ва аёллар томонидан жиноятга қўл уриш ҳоллари ҳамон мавжуд. Бу эса бизни қаттиқ ташвишга солади, — деди вилоят прокурори. — Ахир, ўзингиз ўйланг, келажак эгалари бўлган ёшлар жиноят содир қилса, комил инсон тарбиячиси бўлган она жиноят қилса, бундан изтиробга тушмай бўладими? Тўғри, қонун олдида барча баробар. Жиноят этган шахс ким бўлишидан қатъий назар қилмишига яраша жазога тортилади. Лекин, айтинглар-чи, бунинг ортидан қанчалик қайғу келади. Қамалган шахснинг ота-онаси, яқинлари, қариндош-уруғлари, фарзандлари учун нечоғли оғир кечади. Шу боисдан, ҳам биз, кўп такрорлайдиган, шу нарсага интиладиган жиноятнинг олдини олиш масаласига сизлар ҳам яқиндан ёрдам беришларингиз лозим.

Хар қандай қонунбузилиш, ҳақ-ҳуқуқингиз топталиш ҳоллари бўйича қилган мурожаатингиз сўз берибайтаманки, эътибордан четда қолмайди.

Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Яҳёв эса бўлажак сайловлар, уларнинг аҳамияти, сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари хусусида гапирди. Демократик жамият қураётган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз келажаги, ўзининг ҳаётига таъсир этадиган сайловларда фаол иштирок этиши лозимлигига алоҳида урғу қаратди.

Учрашув ниҳоясида Бош муҳаррир А.Абдураззоқов ва вилоят прокурори Б.Калонов меҳнаткашлар билан юзма-юз мулоқотга киришди. Давранинг ҳар бурчидан «прокуратурадан вакиллар келиб, ҳол-аҳволимизни сўраяпти, яшаш тарзимиз билан қизиқаяпти. Биз бундан жуда мамнунмиз. Ҳақ-ҳуқуқларимизнинг ҳимоячилари борлигига бўлган ишончимиз кучайди», «вилоят прокурорининг шахсан дала меҳнаткашлари ҳузурига келиб, биздан ҳол-аҳвол сўрагани ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди», деган ташаккурлар эшитиларди.

Жойларда бўлиб ўтган учрашувларда биз бир нарсага амин бўлдикки, ҳар нарсадан кўра одамларда тинч-хотиржам шароитда ишлашга иштиёқ кучли. Қонунлар ишлаган, адолат тантана қилган жойда ўзаро нифоқ бўлмайди. Одамларда ўзаро ишонч, меҳр-мурувват туйғуси кучли бўлади. Тенгликка, тинчликка, келажакка интилиб яшаш туйғуси, орзуси ҳар нарсадан устун ва улуғ қадрият экан.

Д.ИСЛОМОВ, «Ҳуқуқ» мухбири.
М.НУРИНБОЕВ суратлари





Ғаллароллик ғаллакорлар мажбуриятларини ошиғи билан уддалаб, Ватан хирмонига 32 минг тоннадан ортиқ сара дон топширдилар.

Эндиги вазифа — улуғ неъматни халқ дастурхонига сифатли қилиб етказиш. Туман прокуратураси ходимлари айни кунларда омборларда сақланаётган донларнинг назорати масаласига жиддий эътибор қаратяптилар.

Суратда: Туман прокурори Саидмурод Шерназаров** (ўнг томонда) **ғалла қабул қилиш пункти ишчилари даврасида.

ҲАР БИР ХАТ ЭЪТИБОРДА ЖАВОБ БЕРИЛДИ

Мен 1960 йилда Фарғона шаҳрида туғилганман. 1984 йили Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрига келин бўлиб тушдим. Турмуш ўртоғим Тошматов Қудратилло Бишкек авиация техникумини тугатиб, 1994 йили Жиззах авиация билим юртига ишга жойлашди. Чунки, Ўш шаҳрида ўз мутахассислиги бўйича иш тополмади. Шу йили уни бошқа шаҳарга хизматга жўнатишди. У ерда оиламиз билан 1997 йилгача турдик. У кишини 1997 йили яна Жиззах шаҳрига ишга чақиришди. Ҳозиргача шу ерда яшаб келмоқдамиз.

Мен ўзим ҳамшираман. Фарзандларимиз катта бўлиб қолишган. Шунинг учун ишга жойлашмоқчи бўлдим. Табиийки, паспорт талаб қилишди. Мен паспортимни 1997 йили апрель ойида Қирғизистондан рўйхатдан чиқариб, Жиззах шаҳри паспорт бўлимига ҳисобга олишларини сўраб, мурожаат қилдим. У ерда паспортимни 1 ой давомида ушлаб туришиб, йўл йўқ, деб қайтариб беришди. Бу йил яна шу масала юзасидан паспорт бўлимига мурожаат қилдим. Рўйхатга олиш учун 5 АҚШ доллари, кейин яна 50 АҚШ доллари (давлат пошлинаси) тўлайсиз, деб айтишди.

Оилада 4 жонимиз. Мен ўзим 2 минг 400 сўм ойлик оламан. Турмуш ўртоғим иккаламизнинг маблағимиз рўзғордан ортмайди. Қолаверса, мен ўз хоҳишим билан бу ерга келмаганман-ку?! Наҳотки, паспорт тизимида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари тўғрисида бирорта ҳам банд бўлмаса? Ахир болалардан орттириб 27 минг сўм пулни қаердан оламан? 20 йиллик иш стажим бўлса-ю, рўйхатга олинмасам, ишга жойлашолмасам, болаларимнинг тақдири нима бўлади? Болаларим ҳам шу ерда ўқишади. Каттаси 9-синфни битирди. У ҳам паспорт олиши, ҳарбий хизматга чақирилиши керак-ку?!

Мен бугунги кунда қандай йўл тутишим керак? Менга маслаҳат берасизлар деган умидда

Робияхон ТОШМАТОВА,
Жиззах шаҳри

Фуқаро Р.Тошматова ўз аризасида паспорт хизмати томонидан унинг паспорти рўйхатга қўйилмаганлигини, унга янги паспорт берилмаётганлигини баён қилган.

Текшириш давомида аниқланишича, Тошматова Робияхоннинг турмуш ўртоғи Қ.Тошматов 1998 йил ҳарбий қўмондонликнинг буйруғи билан Жиззах вилоятига ишга юборилгач, оиласи билан бирга кўчиб келишади. Фуқаро Р.Тошматова Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳридан паспортини рўйхатдан чиқариб, Жиззах шаҳрига ҳисобга кириш учун ИИБ паспорт хизматига мурожаат қилган.

ИИБ паспорт хизмати ходимлари фуқаро Робия Тошматовага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 205-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш учун 5 АҚШ доллари миқдорида, доимий яшашга ҳужжатларни расмийлаштириш учун эса 50 АҚШ доллари миқдорида давлат божини банкка тўлаш кераклигини айтишган. Шунга кўра, прокуратура ходимлари томонидан фуқаро Р.Тошматовага 1999 йил 30 апрелдаги 205-сонли қарорнинг моҳияти тушунтирилди. Шунинг билан бирга МДҲ давлатларидан келган фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасида доимий яшаши учун кўриб чиққанлик ва расмийлаштирганлик учун 50 АҚШ доллари миқдорида давлат божи тўлашлик мажбурий эканлиги тушунтирилди.

Х.ТЎЛАГАНОВ,
адлия катта маслаҳатчиси

• *Афсус!*

ИШОНЧГА ХИЁНАТ

Инсон ёруғ оламда бир марта яшайди. Унинг қандай яшаб, савобли ишлар қилиши аввало ўзига боғлиқ. Кимдир боғ яратсам, одамлар ундан баҳраманд бўлса, дейди. Кимдир илм этагидан тутади. Яна бошқа бир инсон кўприк қуради. Хуллас, бу дунёда ҳар бир инсоннинг яшашдан ўз мақсади бор. Яхшиликка қўл урган инсон эл орасида қадр топади. Аммо, ҳаётда шундай инсонлар бўладики, шайтон йўлига кириб, нафс дардида ўзгалар ҳисобига роҳат-фароғатда яшаш кўйида тумшуғидан илинган, эл-юрт олдида шарманда-ю шармисор бўлишади. Қариндош-уруғлари, оиласи олдида юзи қора бўлиб қолади.

Қўзибой ҳам пойтахтга Самарқанддан яхши ният билан келганди. Олий маълумот олсам, элнинг қорига ярасам деб. Ниятига эришгандек бўлди. Тошкент политехника олийгоҳини тамомлагач, Ички ишлар бўлимига ишга кирди. Яхши ишлади. Унга ишонч билдириб, Сирғали тумани ИИБга қарашли жамоат тартибини сақлаш бўлимига катта нозир лавозимига тайинлашди. Ана шундан кейин Қўзибойнинг юриш-туришларида ўзгариш бошланди. Қўш қаватли шахсий уйларни, йўлларда кийикдек учиб юрган енгил машиналарни кўриб нияти бузилди. «Наҳотки одамлар эришган нарсаларга мен эриша олмасам?». Ана шу уйларда юрганида туманнинг «Қумариқ» маҳалласидаги 3-уйнинг 10-хонадонида яшовчи Николай Фроленко «қопқон»га тушиб қолади. Илгари судланиб чиққан бу фуқарога Қўзибой «сен маъмурий назорат тартибидаги қоидани такрорий буздинг. Энди сенга жиноят иши қўзғатиб қамайман», дейди.

Қамоқ нималигини билган Николайнинг пайтавасига қурт тушади. Қўзибой ҳам дилдаги дардини айтиб қўя қолди. «500 АҚШ доллар билан 10 минг сўм пул олиб келасан»

Суд ҳукмидан кўчирма: 1999 йил 6 июл куни соат 11.30 ларда Қ.Эшмонов мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт бўлган ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармасдан... Таъмагирлик йўли билан Н.Фроленкодан талаб қилинган 500 АҚШ доллари ҳисобидан қонунга хилоф равишда 400 АҚШ доллари ва 200 сўм пулни пора сифатида олганида, Тошкент шаҳар ИИББ тезкор ходимлари томонидан қўлга олинган».

Суд милиция майори Қўзибой Эшмоновнинг жиноий ишини кўриб чиқди ва унинг ўз қилмишидан ўта пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, қарамоғида кекса онаси ва вояга етмаган икки нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, 7 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Хизмат юзасидан жиноят кўчасига кириб қолган фуқаролар билан суҳбатлашаман. Яқинда судланиб, «ўтириб» чиққан собиқ маҳбусни яна жиноят қилгани учун ёнимга олиб келишди. Анча суҳбатлашдик. Илгари ўғирлик қилгани учун судланган экан. Нима сабабдан яна жиноят қилганини сўраганимда, у «ҳеч жойга ишга олишмади. Оқибатда мажбурликдан яна «шу ишни» қилдим», деди. Тўғриси, жиноятга қўл урган одамни ҳеч оқлаб бўлмайди. Лекин мени ўйлантирадиган нарса - Қўзибойни ким жиноятга ундади? Муҳтожликми ёки нафсми? Тўғрисини айтганда, Қўзибой ўзгалар пулига унчалик зор ҳам эмас эди. Чунки у яхшигина маош олади, енгил машинаси ҳам бор. Унинг бошига қора кунлар тушишига фақат ўзи айбдор, деб ўйлайман.

У нафс йўлига кирди. Бир сўз билан айтганда, ота-онаси ва устозларининг ишончини поймол қилди. Қолаверса, Сирғали туман ИИБ раҳбариятининг ҳам Қўзибойдан умидлари катта эди. Касбига хиёнат қилганларни қонун ҳам кечиримайди. Ҳаётимизга соя соладиган бундай иллат эндиликда шундай тўсиққа дуч келмоқдаки, бу одамлар онги ўсиб бораётгани билан боғлиқ. Бу тўсиқ-одамларимиз фаоллиги, уларда иллатларга нисбатан муросасиз курашиш туйғусидир.

Одил МАТХОЛИҚОВ,
Сирғали туман прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

• *Жиноятга жазо муқаррар*

ФИРИБГАР ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

Фахритдин пойтахтнинг Қўйлиқ бозорига келиб, оз-моз пул ишлашнинг йўлини топди. Лекин, унинг фикру хаёли тезда бойиб кетиш эди. Ва ўзича бунинг чорасини топгандек бўлди. Қишлоқдан келган учтўрт деҳқоннинг суҳбатини олди. Деҳқон ўз номи билан деҳқонда. Содда, ишонувчан.

Фахритдин улардан бири — картошка сотаётган А.Амировни чув тушириш режасини тузиб, унинг қўйнига қўл солиб кўрди.

- Бозорда ўтираверсак роса қийналиб кетгандирсиз, кўриб турибман. Хоҳласангиз, икки тонна картошкангизни кўтарасига олиб, 120 минг сўм бераман. Пулини уйда оласиз, келишдикми, - деди Фахритдин мулойимлик билан.

Унинг таклифи А.Амировга маъқул тушди. «Ҳожатбарор» мижозга розилик аломати сифатида қўл узатди. «Баракасини берсин», дейишди бир-бирига. 50 қоп картошка машинага юкланган, пойтахтнинг Миробод бозорига йўл олинди. «Пулни уйда санаб бераман», деб Фахритдин картошканинг эгаси А.Амировни ўзи яшайдиган уйга олиб келди. Деҳқони тушмагур ҳозир пулларни олиб чиқса, бир ҳафсала билан «қуруғи»ни санаймандa, деган ўйда Фахритдинни кута бошлади. «Ҳожатбарор» мижоз эса аллақачон жуфтакни ростлаганди.

Фахритдин вақтни ўтказмасдан, Миробод бозорида картошкани 96280 сўмга кўтарасига сотади.

Алданиб қолганини билган А.Амировнинг Бектемир туман ИИБга мурожаати туфайли фирибгар қўлга тушди. Унинг уйидан ашёвий далил сифатида бўш қоплар топилди.

Яқинда мазкур жиноят иши Бектемир тумани судида кўриб чиқилди. Жабрланувчи ва гувоҳларнинг холисона кўрсатмалари таҳлил қилиниб, Фахритдин Тожибоевнинг айби тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд уни 5 йилга озодликдан маҳрум этди.

Ботир ЖУМАЕВ,
Бектемир туман
прокуратураси ходими



Ҳайрат «чўққиси».

САВОЛ - ЖАВОБЛАР

Сайловчилар рўйхатини тузиш пайтида ушбу рўйхатга кирмай қолган фуқаро сайловда умуман қатнаша олмайдими?

Қ.ЭШМАТОВ,
Жиззах вилояти

Бирор-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари, шахси, фуқаролик ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади ва у сайловда қатнашиши мумкин.

Агар, ота ўз исмини ўзгартирса, фарзандларнинг ҳам ота исми ўзгартириладими ёки бу уларга таъсир қилмайдими?

Зафар ТОЛИБЖОНОВ,
Сирдарё вилояти, Бахт шаҳри

Ота ўз исмини ўзгартирса бу ўн олти ёшгача бўлган фарзандларининг ота исмига таъсир этади, яъни бу унинг ота исмидаги ёзувларига ўзгартириш киритишни талаб қилади. Ўн олти ёшга тўлган фарзандларники эса, агар улар ҳам ота исмидаги ёзувларни ўзгартириш истагини билдирса бу ҳақда ёзма равишда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига мурожаат этиши мумкин.

Мен ҳарбий хизматчиман, унвоним катта лейтенант. Менга коммунал хизмат ҳақи тўлашда имтиёз борми?

И.РАШИДОВ,
Тошкент шаҳри

Ҳарбий хизматчилар коммунал хизмат ҳақларини тўлашда 19 фоиз чегирма имтиёзига эга.

Эшитишимча, Тошкентда кўзни даволайдиган клиника очилган экан. У қандай клиника? Унда фуқароларга имтиёзлар борми?

С.ДЕҲҚОНОВ,
уруш фахрийси, Фарғона

Ҳақиқатан ҳам Тошкент шаҳрида бундай клиника очилган. У «Стерлинг Медикал Груп. ЛТД» қўшма корхонасининг бўлинмаси ҳисобланади. Унда америкалик ва ўзбекистонлик юқори малакали микрожарроҳлар хизмат кўрсатадилар. Клиника одамларда пайдо бўладиган қарилик катаракта-си касаллигини даволаш, жуда кичик операциялар ўтказиш(-бемор операциядан сўнг эртасигаёқ уйига қайтиши мумкин, кесишдан ҳеч қандай чандиқ қолмайди)га ихтисослашган. Даволаниш пуллик. Лекин иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, Афғонистонда хизмат қилган жангчилар ва Чернобиль авариясини тугатиш иштирокчиларига имтиёзли хизмат кўрсатилади.

Дилим куяр

Деновлик Сабоҳат Воҳидова эндигина ўн тўққиз ёшга қадам қўйган эди... У ўз жонига қасд қилиб, оламдан кўз юмган.
Терговолди текшириш ҳаракатлари чоғида аниқланишича, шўрлик қиз узоқ йиллар зоб (бўқоқ) касаллигидан азоб чекиб келган. «Мен бу касалликдан тузалмасам керак», деган гапни тез-тез такрорлаб юрган. Руҳан тушкунликка тушган. Охирги пайтларда ўта инжиқ ва қўрс бўлиб қолган. Оила аъзоларининг гапига қулоқ солмасдан қўйган. Афсуски, ота-онаси унинг аҳволини била туриб, даволатиш чорасини кўрмаган. Тиббиёт ходимлари ҳам уни муолажа қилишга етарлича эътибор беришмаган. Ахир, зоб бедаво дард эмас-ку!

ҲАЁТНИ АСРАНГ, СИНГИЛЛАР

Сабоҳатнинг ота-онаси ўз фарзанди соғлигига шу қадар бефарқ экан, ҳеч бўлмаса шифокорлар озгина ғамхўрлик кўрсатишганда, балки бахтикаро қиз бу йўлга қадам босмаган бўларди! Уларнинг меҳру мурувватти, касб маҳорати туфайли дарддан фориғ бўлса, ўз халоскорларини умр бўйи алқаб ўтмасмиди?

Ўз жонига қасд қилаётганлар фожеаси ва уни келтириб чиқараётган сабаблар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тиббиёт ходимлари баъзан хатто руҳий хасталикларга чалинган кишиларни ҳам эътибордан четда қолдиришмоқда. Бундай масъулиятсизлик натижасида бирор кўнгилсиз воқеа содир бўлганда эса хизмат текширувлари тайинлаб, унда шифокорлар айби бор — йўқлигини аниқлаб, айбдорларга нисбатан тегишли чора кўриш-кўймаслиги ҳам келмайди.

...Тумандаги Сина қишлоғида истиқомат қилган, 1976 йилда туғилган, икки нафар фарзанднинг онаси Рухсора Сафарбекова ҳам фожеали тарзда вафот этган.

Маълум бўлишича, у оиласи билан яшаётган томорқа устидан қайнонаси билан доимий равишда жанжаллашиб келган. Бунинг устига унинг қишлоқ фуқаролик йиғини раисига томорқа сўраб қилган мурожаати ҳам оқибатсиз қолдирилган.

Бобур жамоа хўжалиги «Дўстлик» маҳалласида яшаб келган Ойсара Мирзаева ҳам қайнонаси билан ўрталарида томорқа масаласида пайдо бўлган зиддият туфайли худди шундай қалтис ишга қўл урган.

Энди вилоятдаги яна бир туман -Жарқўрғонда рўй берган шу каби нохуш воқеалар хусусида ҳам бир оз тўхталсак.

«Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг 1-бригадасида яшовчи Насиба Маматқулова ҳам ўз жонига қасд қилган.

Ушбу ҳодиса бўйича терговолди текшируви ўтказилиб, уни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитлар ўрганилганда қуйидагилар аниқланди, - дейди туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Дилмурод Абдураҳмонов. - Маматқулова келин бўлиб тушган оилада муҳит яхши бўлмаган. Озми-кўпми у қайнонаси томонидан камситилган. Кўни-кўшнилар билан бордикелди бўлмаган. Газета-журнал ўқишмаган. Радио-телевизор эшитишмаган. Унинг ҳуқуқий савияси ҳам ўзига яраша бўлган. Шу тариқа маҳалладан, дунёдан ажралиб қолишган. Бундай ачинарли ҳол эса маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмитаси фаолларини сира қизиқтирмаган.

Яна бир аёл эса (айрим сабабларга кўра ҳозир унинг исмишарифини айтиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлайман) турмуш ўртоғи доим уриб-сўкиб келганлиги сабабли оламдан кўз юмган. Албатта, бунинг учун унинг эрига суд томонидан тегишли жазо берилди.

Вилоят прокуратураси идораларида ҳар бир ана шундай нохуш ҳолга фавқулодда ҳодиса сифатида қаралмоқда. Ҳар бир ҳолат юзасидан терговолди текширувлари ўтказилиб, зарур чоралар кўрилмоқда. Уларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитлар атрофлича таҳлил этилаётир.

Хусусан, Денов туманлараро прокурори, адлия маслаҳатчиси Эргаш Менглиевнинг бу борадаги фаолияти таҳсинга сазовордир. У киши худди шу мавзуда туман халқ депутатлари сессиясида маъруза қилган. Ҳоким номига тақдимнома киритган. Ва туман ҳокими томонидан бундай нохуш ҳолларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида оммавий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш, ишсиз аёлларни фойдали меҳнатга жалб этиш тўғрисида махсус фармойиш чиқарилишига эришилган. Шундан сўнг махсус комиссия тузилган бўлиб, унинг аъзолари маҳаллалар, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Бу борада Жарқўрғон туман прокуратураси томонидан ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, эътироф этиш керакки, фақат ҳуқуқтартибот идоралари куни билангина кутилган натижага эришиш мушкул.

Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, фожеанинг илдизи бир қатор маънавий-ахлоқий муаммоларга бориб тақалади. Уларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб ўтиш қийин. Бунинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Шу боис улардан айримларини эслатиш билан кифояланмоқчимиз.

Очиғини айтганда, айниқса айрим қишлоқ жойларга ҳали ислоҳотлар етиб келганича йўқ. Табиий газ, тоза ичимлик суви етиб бормаган қишлоқлар бор.

Оилавий можаролар, айниқса томорқа ва уй-жой билан боғлиқ низолар билан жиддий шуғулланиш талаб этилади. Кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Аёллар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш зарур.

Хўш, шу каби долзарб масалалар билан ким шуғулланади? Уларни ким ҳал этади? Ахир, зиммасига эл ғам-ташвишига шерик бўлишдек шарафли вазифа юкланган давлат ва жамоат ташкилотлари камми? Маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари ва ҳоказолардан тортиб ҳокимликларгача шулар сирасига кирмайдими? Ким улар ўз бурчини қойилмақом қилиб ўтаяпти, дея олади?

Тан олиш керак: қандай ҳаёт кечириш аввало ўзимизга— сизу бизга боғлиқ. Афсуски, гоҳида энг яқин кишилар ҳам бир-биридан озгина меҳру-муҳаббатни дариғ тутади. Бир-бирининг иззат-ҳурмати, қадр-қимматини ўрнига қўёлмайди. Наҳотки қайнона-келин муомала-муроса қилолмаса? Ахир, улар бир-бирига ёв эмас-ку?! Ёки Муҳтарама опа-сингиллар! Оллоҳ таоло инсонни азизу мукаррам қилиб яратган. Ҳаёт неъматига куфрлик келтирманг.

Азизлар, сиз ўз жонингизга қасд қилган билан нимага эришасиз? Аввало, пок номингизга доғ тушади. Қолаверса, бутун қариндош-уруғлар юзини ерга қаратасиз. Энг даҳшатлиси бегуноҳ фарзандларингиз она меҳрига зор бўлади. Лоақал ўз жигаргўшаларингизга раҳмингиз келсин, ахир!

Охиратдаги азоблардан воқифмисиз? Жаноб Пайғамбаримиз марҳамат қилиб айтганларки, «Бир киши ўзинигўзи жароҳатлаб ўлдирди. Шунда Оллоҳ таоло: «Бандам мендан илгари ўз жонини ўзи олди. Уни мен жаннатдан маҳрум қилдим деди».

...Бу мудҳиш фожеа қалбимиздаги жароҳатдир. Жароҳатга эса малҳам даркор.

Курбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

Таҳририятдан:

Ҳа, муаллиф қаламга олган мавзу ҳақиқатан ҳам, - бугунги кунда ўта долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бу можаролар эса кўпинча қайнона - келин муносабатларидан келиб чиқаётганлиги ачинарлидир. Иболи, ҳалол, меҳрибон ва бағри кенг ўзбек аёллари наҳотки бугунги кунга келиб оддий муомала муносабатларида ҳам шундай муаммолар келтириб чиқарса...

Азиз мушгарийлар, сизлар ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратиб, ушбу ҳолатларга ўз муносабатларингизни билдирасизлар, деган умиддамиз.

Ҳар тўғрида

БАНКНОТДА КОММУНИСТ СУРАТИ

Хитой ҳукумати ХХР ташкил топганининг ярим асрлик тантаналаридан сўнг янги пул банкнотларини муомалага чиқарди. Хитойнинг янги энг йирик 100 юан қийматидаги пулига Мао Цзэдун тасвири туширилган. Янги нусхадаги банкнот Хитойнинг собиқ раҳбарлари Мао Цзедун, Чжоу Эньлай, Чжу Дэ ва исми маданий инқилоб даврида изсиз учиб кетган Лю Шаоци тасвири туширилган эски банкнотнинг ўрнига ишлатиладиган бўлди. Янги банкнотларда ХХРнинг гуллаб-яшнаши учун илк тамал тоши қўйган Дэн Сяопин сурати ҳам учрамайди. Дэн Сяопин бундан 20 йил муқаддам мамлакатда ислоҳотлар ва ташқи дунёга очиқлик сиёсатини юргиза бошлаган эди. Шу билан бир қаторда 500 юан миқдордаги янги пулнинг чиқарилиши ҳам кўзда тутилмоқда. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, бундай катта қийматдаги қимматли қоғознинг чиқарилиши Хитойнинг ҳатто Осиё молиявий бўхронида ҳам барқарорлигини таъминлаб келган ўз валютасини девальвация қилиш истагида эканини англатиши мумкин.

• Эгрилик умрнинг шўри

«УЧЛИК»НИНГ ҚУЛАШИ

«1999 йил 26 январь куни соат тахминан 11. 30 ларда Навоий Тог металлургия комбинатига қарашли Навоий машинасозлик заводининг ишлаб чиқариш бирлашмаси цехи устаси Тонготаров Бердиёр Бебитович, таъминот бўлими раҳбари Имомов Илҳомжон Субҳонович, автотранспорт цехи тракторчиси бўлиб ишлаган Тўхтаев Салим Зиётовичлар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, корхонага тегишли бўлган 13 дона, умумий нархи 390959 сўм 44 тийинлик зангламайдиган тунукаларни завод ҳудудидан олиб чиқиб, Навоий туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг 2-бригадасида яшовчи Ҳайдаров Азимнинг ҳовлисига олиб бориб, ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилганлар...» (Айблов хулосасидан).



Шокир ХУДОЙБЕРДИЕВ, махсуслаштирилган ҳарбий қисм прокурори, 1-даражали ҳуқуқшунос

Ана шундай қилиб, цех устаси, таъминот бўлими раҳбари ҳамда тракторчидан иборат «учлик» олдиндан тил бириктириб, нафс қўйига гирифтор бўлган ҳолда жиноят содир этишади.

Гуруҳнинг жиноий режаси бир кун олдин тўла «қиём»ига етказилади. Шу куни Илҳомжон тракторчини чақириб, «табдир»ни амалга оширишда унинг вазифасини ипидан-игнасигача тушунтириб, йўналишини чизиб беради. Эртаси куни, яъни 26 январь «операция»ни амалга ошириш учун қулай пайт эди. Негаки, шу куни Салим трактори билан чиқиндиларни белгиланган жойга элтиб ташлаб келиши лозим эди.

- Ҳеч нима билмагандек Бердиёр ишлайдиган цехга борасан, - деди таъминот бўлими раҳбари тракторчининг қўлига 15 минг сўмни хизмат ҳақи учун тутқазаркан. - Қолганини унинг ўзи айтади.

- Тунукаларнинг ҳужжати бўлмаса, бирор кор-ҳол юз берса, у ёғига ким жавоб беради? - дафъатан сўраб қолди Салим пулни чўнтагига солаётиб.

- Қўрқма, сен чиқинди олиб чиқаётган одамсан, дарвоза олдида текширишса ҳам топишолмайди. Тележканинг ости ҳам тунукадан қопланганлиги айни муддао. Ҳаммаси жойида бўлади, сенга омад, - деди Илҳомжон гап тамом, дегандек.

Бердиёр трактор турли ўлчамдаги 13 дона тунукаларни кўтаргич кран билан орттиради. Манзилни тракторчига тушунтиради. Шундан кейин қуюв цехидан чиқиндилар ҳам ортилгач, тунукалар усти ёпилиб қолади.

Корхонанинг чиқиш дарвозасида турган қоровул трактор-нинг ҳамма ёғини, чиқинди ичини ни узун темир билан ҳар ер - ҳар ерига тиқиб-тиқиб, обдон текшириб чиққан бўлса-да, ҳеч нарса сезмайди. Шундан кейин, ўзини анча енгил ҳис этган тракторчи гўё елдек учиб, чиқиб кетади. Тунукалар белгиланган манзилга келтирилади. Энди тунукаларни анча қимматга пуллаб, маблағни Бердиёр билан Илҳомжоннинг орра қилиши қолганди...

Аммо «иш»нинг «миси» чиқишига кўп вақт кетмади. Жиноят фош этилиб, гуруҳ аъзолари тергов жараёнида айбларига тўлиқ иқрорлик билдирдилар.

Суд ҳукми билан судланувчилар Б.Тонготаров, И.Имомов, С.Тўхтаев Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, уларга қонуний жазо тайинланиб, мол-мулклари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Донолардан қолган «Нафсингни ўлдирсанг ғамдан озодсан, душманинг бўлмайди, доимо шодсан», деган гап бор. Бу нақлга амал қилганларнинг кўнгли доим шод ,акси бўлса эса, юқоридагидек...

• Бизнинг суҳбат

ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

Самарқанд тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Баҳодир САЪДУЛЛАЕВ билан мулоқот

— Баҳодир ака, бугунги кунда Самарқанд тумани прокуратураси жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқ - тартиботни мустаҳкамлаш борасида қандай чора тадбирларни амалга оширмоқда? Умуман, туманда жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи ҳақида нима дея оласиз?

— Туман прокуратураси томонидан жорий йилда ҳам қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Натижада, барча кўрсаткичлар бўйича ютуқларга эришилди. Буни таққослашда ҳам кўришимиз мумкин. Текшириш натижалари бўйича киритилган тақдимномалар, протестлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп, маъмурий жавобгарликка тортиш ҳоллари ва арнома-ларнинг сонида ҳам фарқ бор.

Яна бир нарсага эътибор қаратмоқчиман, рўйхатга олинган жиноятлар сонида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш бўлсада, ўта оғир жиноятлар ва оғир турдаги жиноятлар сони камайган. Жиноятларнинг очилиши эса 2 фоизга яхшиланди.

Туман прокуратураси томонидан ички ишлар бўлимида қонунчиликка риоя қилиш аҳволи текшириб турилмоқда. Текширишлар натижасида жорий йилнинг 6 ойи давомида ИИБда ҳисобдан яширилган 3 та жиноят аниқланди. Ва айбдор шахсларга нисбатан чора кўриш ҳақида туман ИИБнинг бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Маълумки, жиноятчилик сони камайишига эришишнинг самарали йўли ишни тўғри ташкил этиш ва профилактик ишларни йўлга қўйишдир. Шу маънода прокуратурамиз томонидан қонунлар тарғиботи йўналишида маърузалар, аҳолининг турли қатламлари билан суҳбатлар уюштириб бориш йўлга қўйилган. Матбуот, телевидение орқали чиқишлар қилинмоқдаки, булар кўзга кўринарли натижалар бермоқда.

— Умумий назорат тартибида ўтказилган текширувлар ҳақида, хусусан Республика Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора- тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонлари ижроси устидан олиб борилган текширишлар хусусида тўхталсангиз.

— Умумий назорат тартибида ўтказилган текширувларимиз салмоғи ва сифатини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратяпмиз. Фаолиятимиз қонунларнинг ким томонидан бузилишидан қатъий назар ўз вақтида аниқлаш, айбдорларга нисбатан қонуний чоралар қўллашга, инсонларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилмоқда. Туман прокуратураси томонидан сиз юқорида санаб ўтганингиз президент Фармонлари ва Республика прокуратурасининг 1999 йил 27 февраль кунидаги 2-сонли ҳайъат йиғилишининг қарори талаблари асосида текширишлар ўтказилди ва қатор қонунбузарликлар содир этилганлиги аниқланди. Шулардан баъзиларини кўрсатиб ўтсам:

Зарафшон ижара хўжалигида яшовчи Абдукарим Раҳимов «Манучер» кичик корхонасини ташкил қилиб, кейинчалик уни тугатиб, муҳрларини топширмаган ва қонунга зид ҳолда фаолият юритган. Бу «тадбиркор» шу туманнинг Ф.Қосимова номли жамоа хўжалиги раҳбарлари билан шартнома тузиб, хўжаликдан 946200 сўмлик маҳсулот олиб, эвазига бор-йўғи 726200 сўмлик маҳсулот ўтказиб, хўжалик раҳбарларини чув туширган. Хўжаликка шу йўл билан 220000 сўмлик зарар етказган. Маҳсулот айирбошлаш йўли билан тўланиши керак бўлган ушбу суммани тўлашдан бош тортиб келган. Ушбу иш юзасидан А.Раҳимовга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

«Нақшбандий» хусусий фирмасида, «Техника» корхонасида,'Самарқанд қишлоқ кооператив тайёрлаш ва қайта ишлаш корхонасида, «Соҳибқирон» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмасида ва «Тошпўлат» ишлаб чиқариш тижорат фирмаларида текширувлар ўтказилганда, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар банкротлик ҳолатига учраганлиги аниқланди.

Шу билан бирга туман прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалигида қонунчиликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

— Оғирқли муаммолардан бири бўлган вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳақида тўхталсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда жиноятчиликнинг «ёшариши», яъни вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг бир мунча ўсиши кузатилмоқда. Бу эса сиз айтгандай, оғирқли муаммолардан бири.



Туман прокурори Б. Саъдуллаев (ўртада) ходимлари билан.

Вояга етмаганлар тўғрисидаги қонунларнинг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар туманимизда жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони бироз ўсганлигини кўрсатмоқда. Бу ташвишланарли ҳол. Яна шуниси ачинарлики, текширишлар натижасида бир неча ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, муомала лаёқатини чеклаш ҳақида даъволар қўзғатишга мажбур бўлинди. Шуни айтиб ўтишим зарурки, туман ИИБ ВЕН бўлинмаси томонидан олиб борилиши керак бўлган профилактик ишларда бирмунча жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Мазкур камчиликларни бартараф қилиш ҳақида тегишли идораларга тақдимномалар киритилди.

— Туман прокуратурасида келгусида амалга оширилиши кўзда тутилаётган вазифалар ҳақида гапириб берсангиз.

— Аёнки, жамият мавжуд экан унда муаммолар бўлади, жиноятчилик ҳам бўлиши табиий. Бизнинг вазифамиз эса жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик, жиноятни сонини имкон қадар камайтириш учун курашишдан иборат. Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ деганларидай, жиноятчиларни жазолашдан кўра, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳимдир. Ушбу вазифанинг самарали йўли қонунлар тарғиботини кучайтириш ва шу орқали жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдир. Бунинг учун имкониятлар етарли. Биздан талаб қилинадигани эса тинимсиз фаолиятдир.

Шавкат ЁДГОРОВ суҳбатлашди

• Ҳар тўғрисида

Россияликларнинг бор-йўғи 56 фоизигина ўз болаларининг Россияда яшашини хоҳлайди.

Минтақалараро сиёсий тадқиқотлар мустақил агентлигининг ўтган ойдаги сўровлари натижаси ана шундай хулосага олиб келди.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, Россия Федерациясининг 200 дан ошиқ шаҳрида яшовчи 3000 кишидан 8 фоизи фарзандларининг АҚШда, 5 фоизи Германияда, 3 фоизи Швейцарияда, 6 фоизи Франция, Англия, Канадада ва 8 фоизи бошқа мамлакатларда яшашини истаган бўлса, 14 фоизи жавоб беришга қийналган.

***

Машҳур Мерилин Монронинг никоҳ кўйлаги Нью-Йоркда бўлиб ўтган ким ошди савдосида 33 минг доллардан қимматга сотилди. Франс-Пресс агентлигининг таъкидлашича, актриса худди шу кўйлакда 1954 йили бейсболчи Жо Димажиога турмушга чиққан. Дарвоқе, Мерилин никоҳни расмийлаштириш билан шунчалик овора бўлганки, никоҳ кўйлагини сотиш вазифасини дугонасига юклаган. Ким ошди савдосига қўйилган кўйлакнинг дастлабки нархи 20000 долларни ҳам ташкил этмаган эди.

***

Испанияликларнинг ҳар учинчиси ернинг думалоқ шаклда эканини билмайди. Савол-жавоблар натижасига қараганда, испанларнинг учдан бири Ер Қуёш атрофида эмас, Қуёш Ер атрофида айланади, деган фикрда. Мутахассисларнинг фикрича, билимнинг бу қадар паст эканлигига таълим тизими айбдор. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги дарс пайтида ўқитиш принципидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни билим билан у қадар қийнаб ўтиришмайди.

• *СПИД XXI асрда ҳам хавфли касаллик бўлиб қоладими?*

ОИТС/ОИВ касаллиги бугунги кунда дунёдаги биринчи даражали муаммолардан бирига айланган.
Хўш, унинг келиб чиқишининг асосий омиллари нимада? Унинг олдини олиш мумкинми? Унга қарши курашиш учун қандай амалий ишлар олиб борилмоқда?
Мазкур саволларга аниқлик киритиш мақсадида Республика ОИТС/ОИВ Маркази бошлиғи, профессор Озод НАЖМИДДИНОВга мурожаат этдик.

АЖАЛГА ЕТАКЛОВЧИ ХАСТАЛИК

- Ҳақиқатдан ҳам орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) касаллиги бугунги кунда бутун дунё давлатларини ўйлантириб келаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирча унинг давоси топилгани йўқ. Лекин шунга қарамасдан, бу борадаги изланишлар давом эттирилмоқда.

1998 йилгача дунё бўйича 32 миллион одам ОИТС касаллигига дучор бўлган. Асримизнинг 70 йилларидан бошлаб, яъни эпидемиянинг вужудга келганидан буён ушбу касаллик натижасида 12 млн. одам оламдан кўз юмган. Фақатгина 1997 йилнинг ўзида 2.3 млн. бемор чорасиз дард туфайли вафот этган. Уларнинг деярли ярмини аёллар, 460 мингини эса 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этган.

Шу нарсани ҳам эътиборга олиш керакки, ОИТС вируси жуда ҳам тез тарқалмоқда, ундан кунига 16 минг одам касалланаётир.

ОИТС/ОИВ одам ўлимга сабаб бўлаётган асосий ўнликдаги касалликлардан бири ҳисобланади. Мазкур касаллик келтириши мумкин бўлган талофат миқдори келажакда янада даҳшатли тус олиши тахмин қилинмоқда. Сабаби, биринчидан, ОИВ жуда тез тарқаляпти. Иккинчидан, самарали вакцина яратиш йўлида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳанузгача натижасиз қолаётир. Мазкур касаллик устида ишлаётган мутахассисларнинг фикрича, аҳвол шу тарзда давом этса, яқин вақт ичида ОИТС ўлимга олиб келувчи хавфли касалликлар бешлигидан жой оларкан.

ОИТС-ОИВ касаллиги кўпроқ иқтисодий жиҳатдан жуда ночор, ривожланишдан ортда қолган давлатларда кўп тарқалганлиги ҳаммага аён. Чунки, уларда бу касалликка қарши курашиш масаласи муаммолигича қолмоқда. Саноати, ишлаб чиқариши ривожланган давлатларда эса профилактик дастурлар бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида, касалликка чалинаётганлар сонининг камайишига эришилмоқда. Бу борада ушбу касаллик ривожланишини секинлаштирувчи воситалар ёрдами муҳим аҳамият касб этмоқда.

ОИТС/ОИВ касаллигидан энг кўп зарар кўрган ҳудуд - Африка, янада аниқроғи, Сахрои кабирдан жанубда жойлашган ҳудудлардир. Ушбу минтақада 21 млн. нафар кишининг ҳаётига ОИТС хавф солмоқда. Дунё миқёсида ушбу касаллик оқибатида ўлганларнинг 83 фоизи ҳам шу минтақага тўғри келади. Зимбабве шаҳарларидан бирида ўтказилган текшириш ишлари шуни кўрсатганки, ҳомиладор аёлларнинг 59 фоизи ОИВ билан касалланган экан. Ушбу касалликнинг тарқалишига асосан бу ердаги яшаш шароити сабаб бўлмоқда. Жанубий-шарқий Осиё ҳам касалланиш кўрсаткичи жиҳатдан Африкага етиб қолишига оз қолди (Ҳиндистоннинг ўзида 4 млн. кишида ОИВ аниқланган).

Шарқий Европада ҳам ОИВ тез суръатлар билан ортиши кузатилмоқда. 1994 йилдан бошлаб мавжуд кўрсаткич 6 баравар ортган. Собиқ Иттифоқнинг айрим мамлакатларида, хусусан, Россия, Қозоғистон, Белоруссия, Молдова ва Украинада касаллик инфекцияси тушган шприцдан фойдаланиш оқибатида касаллик ортганлиги аниқланган.

Бу касаллик ушбу ҳудудда асосан наркотик воситаларни қон томири орқали истеъмол қилиш, фоҳишалик билан шуғулланиш оқибатида келиб чиқмоқда. Ушбу ёмон иллатлар афсуски, Ўзбекистонда ҳам учрамоқда.

Республикамизда ОИТС/ОИВга қарши кураш ва уни олдини олиш Республика Маркази ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил сентябрь ойигача бўлган маълумотига қараганда, Ўзбекистон бўйича 71та ҳолатда ОИТС/ОИВ аниқланган. 32 ҳолатда ОИВ инфекцияси аниқланган шахслар мамлакатдан чиқариб юборилган (чет эл фуқаролари). Қолган 39 таси Республикамиз фуқароларидир. Инфекцияланганларнинг 70 фоизини 18 дан 36 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда.

— Озод Муҳамедович, юқорида сиз одамда иммунитет танқислиги синдроми ва иммунитет танқислиги вируси ҳақида гапириб ўтдингиз. Уларни бир-биридан ажратиб олишимиз учун батафсилроқ маълумот бериб ўтсангиз.

— Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) - касалликнинг терминал (сўнгги) босқичи саналади. Бошланишидаги «О» ҳарфи - орттирилган, яъни кимдандир юққан ёки туғма (онадан) равишда вужудга келиши тушунилади. «И» ва «Т» - иммунитет танқислиги, яъни организмнинг иммунитет ёки бошқача қилиб айтганда ҳимоя системасининг бузилиши натижасида одам жуда кўплаб инфекцияларга қарши курашиш хусусиятини йўқотади. «С» - синдром, яъни касалликнинг яққол кўринишини намоён этувчи белги ёки симптомларнинг бирлашувидир.

Бу касаллик эса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уни келтириб чиқарувчи вируслар бўлади, бу иммунитет танқислиги вируси деб аталади. У икки хил бўлади: ОИВ-1. Бутун дунёда кенг тарқалган бўлиб, касалликнинг асосий белгиларидан саналади. ОИВ-2 - бу Африканинг ғарбида кўпроқ учрайди. Лекин ОИВ-2 инфекциясининг ривожланиши бирмунча узоқ вақт давом этади. У организмда бир неча йил шаклланиб боради, охир оқибат ОИТСни келтириб чиқаради.

Инфекция ўзини 1,5 йил ёки 8 йилдан кейин ҳам билдириши мумкин. Бу энг аввало организмга боғлиқ.

— Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг 15-сессиясида «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ) олдини олиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ўзбекистонда бу қонун аввал ҳам бор эди. Янги қабул қилинган қонун аввалгисидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

— Аввалги қонун эсингизда бўлса, 1991 йилнинг июль ойида, яъни собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган эди. Унда инсонийлик принциплари жуда ёки унинг белгилари мавжуд , деб ўйлаш учун етарли асос мавжуд бўлган одамлар жазодан қочиш мақсадида ҳам текширувдан ўтмай юраверадилар. Бу дегани - шу одам касаллик ташувчи бўлиб қолади. Оқибати ўзингизга маълум.

Қабул қилинган янги қонунда эса фуқаролар ихтиёрий равишда аноним тарзда текширувдан ўтказилиши белгиланган.

Давлат ушбу касалликка қарши курашишнинг иқтисодий жиҳатларини ҳам ўз зиммасига олди. Бу дегани ОИВ билан касалланган одамлар бепул текширувдан ўтказилиши ва даволаниши мумкин, яъни давлат бу билан фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимояламоқда. Аноним тарзда деганимизда-ҳар бир фуқаро бизга келиб ўзини текширтириши мумкин. Текширув натижалари эса фақат бизга ва ўша шахсгагина маълум бўлади. Ҳатто унинг оиласи ҳам бу ҳақда билмайдилар. Биз ушбу маълумотларнинг сир сақланишига кафолат берамиз.

— Келгусидаги режаларингиз қандай?

— Республикадаги эпидимиологик вазият Соғлиқни сақлаш вазирлигида 1998 ва 1999 йиллар давомида икки марта муҳокама қилинган. Шунингдек, Республика Вазирлар Маҳкамаси ва Фавқулодда эпидемиологияга қарши кураш Комиссияси иштирокида ҳам кўриб чиқилган. Ушбу муҳокама натижалари бўйича минтақавий ва маҳаллий даражаларда учрашувлар ўтказилди, унда келгуси ишлар режаси ва дастурлар ишлаб чиқилди.

Асосий эътибор ҳамкорликка қаратилмоқда. Кўпроқ Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маориф вазирлиги, «Камолот» ёшлар жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси ва маҳаллий давлат органлари вакиллари иштирокида тадбирлар ўтказмоқдамиз.

Бизнинг Марказ фуқароларимизни XX аср вабоси бўлмиш ушбу касалликдан муҳофаза қилиш, эпедемиологик кузатув ишларини янада кенгайтириш, чет элдан келган ва келаётган шахсларни текширувдан доимий равишда ўтказиб бориш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришни асосий вазифа қилиб олди.

Бу касаллик билан курашиш фақатгина бизнинг эмас, балки ҳамманинг иши бўлиб қолиши керак.

Дониёр ХАЛИЛОВ
суҳбатлашди

■ **Ҳозиргача ривожланаётган давлатлардаги 2,7 миллион бола ОИВ хасталигига чалиниш туфайли вафот этган.**

■ **ОИТС/ОИВ касаллиги оқибатида 8,2 миллион бола ўз оналаридан жудо бўлган. Фақатгина 1997 йили 1.6 млн. бола ОИВ оқибатида етим бўлиб қолган. Уларнинг 90 фоизидан кўпроғи Африкада яшайди.**

■ **1998 йилнинг декабрь ойигача бўлган маълумотга қараганда Украинада 140 минг киши ОИВ билан касалланганлиги аниқланган. Уларнинг учдан бир қисмини наркоманлар ташкил этади.**

■ **Бутун дунё бўйича ОИВ асосан жинсий алоқа қилиш натижасида юқтирганлик ҳолати аниқланган.**

• *Дунё хабарлари*

Гондурасда барча ўлчовлари машҳур «Титаник» кемасидан анча катта кема ясаш режалаштириб қўйилди. Режага кўра, кеманинг узунлиги 1 километрга тенг бўлиб, 20000 каютадан иборат бўлиши кўзда тутилмоқда. Ҳозирда бир гуруҳ америкалик тадбиркорлар Гондурас ҳукмрон доиралари билан денгиз саёҳатлари учун мўлжалланган бу кемани қуриш лойиҳасининг сўнгги босқичларини муҳокама этмоқдалар. Иш ва қурилиш мосламаларининг нархи 8 ярим миллиард доллар миқдорида баҳоланмоқда. Бу - Гондураснинг ялпи миллий маҳсулотидан сал кам икки маротаба кўп.

***

Хитойда узунлиги 18 мм, баландлиги 5 мм, эни 3 мм келадиган митти «жосус» вертолёт йиғилди.

Тадқиқотлар бу вертолёт ҳарбий разведка учун жуда мос эканини тасдиқлади. Бундай «жосус» масалан, стол тагига ўрнашиб олиб махфий суҳбатларни «эшитиши» ёки вентиляция туйнугидан шубҳали лабораторияга кириб, у ерда сирли ҳужжатларнинг фотокопияларини олиши мумкин. Бу митта жосусни қандай қувват осмонга кўтариши ва қандай қилиб олинган маълумотларни узатиши ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаяпти.

• *Сиз кутган учрашув*

КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИДА ҲАМ ТАРТИБ БЎЛИШИ КЕРАК

Таниқли драматург, ёзувчи Машраб БОБОЕВ меҳмонимиз



Машраб Бобоев невараси Алпомиш билан.

- Машраб ака, сўнгги йилларда телевидение орқали биз бир қатор хориж телесериалларини томоша қилиб келдик. Сир эмас, халқ бу сериалларни катта қизиқиш билан томоша қилди. Энди шундай эса, бу сериалларнинг ўрнини бугунги ўзбеклар ҳаёти акс эттирилган сериаллар эгалламоқда. Шулар қаторида, сизнинг сценарийингиз асосида яратилган «Кўнгил кўчалари» видеофильми ҳам эл назарига тушди.

Маълумки, фильмнинг охирги қисми якун топмади. Зеро, мухлислар кейинги фасларни кутишмоқда.

- Гапингиз тўғри. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонимиз жаҳон майдонига чиққани сингари, телерадиокомпаниямиз ҳам, юртимиздаги барча институтлар сингари ўзини намоён қилди. Теледастурлар, уларнинг шакли ва мазмуни бутунлай ўзгарди, ўзимизнинг телесериалларимиз пайдо бўлди. Уларнинг барчаси ҳам ўзбек ҳаётини тўғри акс эттиради, деб бўлмайди, албатта. Аммо, «мусулмончилик аста-аста», деганларидек, вақти-соати келиб, жаҳон аҳли мана шундай телесериаллар орқали ЎЗБЕК ҲАЁТИ билан танишишига шубҳа йўқ.

«Кўнгил кўчалари»ни яхши кутиб олгани учун халқимизга миннатдорман. Элнинг назарига тушиш қийин. Шунинг учун ҳам бу эътироф кўнгилни кўтаради. Аммо, кечирасиз, фильм якун топмади, деган гапингизга унчалик қўшилмайман. Сабаби...

Муаллиф ўзини оқлаяпти, деманг, аммо, Оллоҳга шукрки, ҳаёт деган ХОДИСА ҳеч қачон тугамайди. Бироқ, ана шу чексиз ҲОДИСА ичида рўй берадиган ҳар қандай нарсанинг чек-чегараси бор. Шунинг учун ҳам «Кўнгил кўчалари»га маълум нуқта қўйилган. Эсингизда бўлса, фильм ниҳоясида бир бола билан бир қиз қўл ушлашиб мактабга йўл олади. Она уларнинг ортидан мамнун кузатиб қолади... Бола билан қиз нафақат мактабга, балки XXI асрга йўл олаяпти. Бинобарин, Ўзбекистонимиз ҳам ана шу мурғак фарзандлари сиймосида янги аср - ўзининг Буюк келажаги сари дадил қадам ташлаяпти...

Томошабинлар фильмнинг давомини кутаётгани тўғри. Ўзимдан ҳам кўп сўрашади. Актёрлар эл орасида юрмайдими, уларни ҳол-жонига қўйишмас эмиш. Улар эса, мени... Бу ҳам қувонарли ҳол, албатта.

Томошабинларнинг қизиқиши, «ҳол-жонимизга қўймаслиги» зиммамизга масъулият юклайди. Чунки бу қизиқиш, бу эҳтиромга муносиб жавоб беришимиз керак. Шунинг учун ҳам видеофильмнинг учинчи фасли устида иш бошладик. Мен ҳозир сценарийни қоралаяпман.

- Айтингчи, асарга қандай ўзгаришлар киритмоқчисиз?

- Асарга ўзгариш киритиш ниятим йўқ. Воқеалар, қаҳрамонлар тақдири нимани тақозо қилса, шу бўлади-да...

- Асар қаҳрамонлари сафи кенгаядими, кимлар иштирок этиши мумкин?

- Албатта. Эсингизда бўлса, иккинчи фаслнинг охирида Ориф отанинг бекободлик қадрдони Яллабобо кўринган эди. Обид Юнусовдек санъаткорни «қўлдан чиқариб юбориш» гуноҳ бўлади. Шунинг учун бу образ давом эттирилади. Бинобарин, янги қаҳрамонлар ҳам пайдо бўлади. Уларни ижро этадиган айрим актёрларни ҳам «кўз остига» олиб қўйганмиз.

- Кейинги фасларнинг ишланишида ким режиссёрлик қилади?

- Маҳкам Муҳамедов билан ҳамкорлигимиз бошланганига йигирма бир йил бўлди. Дастлаб театрда, кейин телевидениеда биргаликда анча-мунча иш қилдик. «Кўнгил кўчалари»нинг ташаббускори ҳам Маҳкам ака бўлган. Видеофильм қилиш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Чунки, биринчидан, ўзбек телесериали йўқ, иккинчидан, эҳтимол, шунинг учундир, бундай фикр хаёлимга ҳам келмаган эди. Тўғри, илгари Маҳкам ака билан икки қисмлик видеофильм қилганмиз. Улкан санъаткор, ўзбек рақсининг фидойиларидан бири Юлдуз Исматованинг ташаббуси ва қистови билан Алишер Навоий бобомизнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида икки қисмли ўзбекча фильм-балет либреттосини ёзиб берганман. Аммо, кўп қисмлик телесериал...

Хуллас, тавакkал деб ишни бошлаб юбордик. Бошламасак, бўлмасди, чунки телевизорга чиқиб, «эллик қисмлик сериал қиламиз», деб ваъда бериб қўйган эдик. Халқни алдаш гуноҳи азим, ахир! «Тавакkалчининг ишини Худо ўнглайди», деган гап бор. Худо қўллаб юбордики, натижа ёмон бўлмади.

Энди ўзингиз айтинг, ана шу гаплардан кейин бошқа режиссёр билан ишлаш тўғрисида гап бўлиши мумкинми? Тўғри, иш жараёнида тортишамиз, ҳатто бир-биримиздан араздаймиз ҳам. Бу - табиий ҳол. Аммо барибир якдиллигимиз барчасидан устун келади. Шунинг учун ҳам ишни фақатгина Маҳкам Муҳамедов билан биргаликда давом эттирамиз. Операторимиз Рафаил Камолов, бастакоримиз Анвар Ғаниев, жигарларимга айланиб қолган актёрлар, бошқа ижодий ва техник ходимлар хусусида ҳам шу гапни айтишим мумкин.

- Томошабин қайси фасллардан қониқиш ҳосил қилади, деб ўйлайсиз?

- Бу савол томошабинларга берилса яхши бўларди. Мен уларнинг «нонига шерик» бўлмасам. Нима дейсиз?

- Асарингизнинг экрандаги кўринишидан кўнглингиз тўлмаган жойи бўладими? Агар, бу камчилик бўлган бўлса, кимнинг - сизнингми ёки режиссёрнинг айби, деб ўйлайсизми?

- Илгари, театрлардаги ҳар бир премьерадан кейин ҳам шу савол бериларди. Мен ҳазиллашиб: «Ўзимнинг асаримни ўзим саҳналаштириб, саҳна безакларини ҳам ўзим ишлаб, ўзим куй басталаб, барча - эркак ва аёл ролларини ўзим ўйнасамгина кўнглим тўлади», деб жавоб берардим.

Муаллифнинг ҳеч қачон ўз асаридан кўнгли тўлмайди. Кўнгли тўлган куни...

«Кўнгил кўчалари» ҳам истисно эмас. Мен матбуотда ҳам, телевидение, радиода ҳам: «Ишимизнинг камчилиги кўп», деб айтганман. Боя айтдим, режиссёр билан иш жараёнида кўп баҳслашганмиз. Аммо асардаги камчиликларни энг аввало ўзимнинг бўйнимга оламан.

- Кино йўналиши қайси томонга бурилади?

- Саволни жўғрофий маънода тушуниб жавоб берадиган бўлсам, ўтган фасларда воқеалар Самарқандда, Имом Бухорий зиёратгоҳида, Чиназда, Сирдарёда ҳам кечган эди. Учинчи фаслда бу рўйхатга Бекобод ҳам қўшилади. Ҳатто «ҳар вилоятни кўрсатсангиз», деган таклифлар ҳам бўлган...

Лекин сиз бошқа йўналишни сўрояпсиз, албатта. Бу саволга бир сўз билан аниқ жавоб бериш қийин. Эътибор берган бўлсангиз, асарда зиддият, яъни конфликт йўқ. Қаҳрамонлар асосан бир-бири билан эмас, ўзи билан курашади. Чунки инсоннинг маънавият олами бор. Ҳар ким ўзининг кўнгил кўчасида юради. Аммо ҳар қандай кўчада тартиб бўлиши лозимлигидек, кўнгил кўчаларида ҳам тартиб бўлиши керак. Бу тартиб - ҳар бир кишининг маънавияти. Тартиб-қоида нима учун жорий этилади? Риоя қилиш учун, албатта. «Кўнгил кўчалари» қаҳрамонлари ҳам ўзлари юрган кўчадаги маънавий тартибга риоя қилиши шарт. Ҳар ҳолда ниятим шундай. У ёғини Оллоҳ билади.

-«Кўнгил кўчалари»да анчагина қўшиқ бор. Шулардан бирини газетхонларимизга ҳавола эта олмайсизми?

-Марҳамат.

Дунё ўтиб кетар дема,
Бизлар ўтиб кетамиз.
Дунё мангу, бизлар нима-
Бир нафасда йитамиз!

Капалакка ўхшар инсон,
Ўхшар умри ҳам, инон.
Шу қадарлик қисқа йўлни
Қандай босиб ўтамиз?

Тўғри қадам ўрнига ҳам
Ташлаб нотўғри қадам,
Ўзни не балоларга
Гирифторлар этамиз!

Бир нафаслик умр учун
Риёда ичамиз хун.
Тонгла маҳшар куни бунинг
Жавобини нетамиз?!

Ном қолдирар фақат инсон,
Номки, яхши ё ёмон.
Қайси номни қолдирай, деб
Қайси йўлни тутамиз?

Кўзни оч, эй, ғофил банда,
Ўз-ўзига кушанда.
Дунё ўтиб кетар, дема,
Бизлар ўтиб кетамиз!

Маъмура ДУСИЯРОВА суҳбатлашди

• *Футбол*

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?

Мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур учрашувида «Пахтакор» яна ўз мухлисларини ранжитди. Пахтакорчиларни бу гал «Навбаҳор» жамоаси майдондан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур қилди. Леонид Кошелев киритган тўп учрашувда наманганлик футболчиларга ғалаба келтирди.

Чемпионликка асосий даъвогарлардан бири «Нефтчи» ўз майдонида «Хоразм»ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Турнир пешқадами «Дўстлик» ҳам отни қамчилаяпти. У «Зарафшон» жамоасидан кичик ҳисобда (1:0) устун келди.

Бу турнинг қолган учрашувлари қуйидаги ҳисобларда якунланди:

«Самарқанд» - «Бухоро» - 2:0, «Сурхон» - «Андижон» - 4:4, «Трактор» - «Насаф» - 2:2, «Янгиер» - «Суғдиёна» - 0:0, «Темирйўлчи» - «Металлург» - 5:1.

***

БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

Бишкекда бошланган III Марказий Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар ҳам бўш келишмаяпти. Мусобақаларнинг дастлабки икки куни юртдошларимиз учун омадли келди. Улар 2 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалини кўлга киритишди. Ўйинларда ҳозирча ўрнатилган иккита рекорд кўрсаткич ҳам ўзбекистонликларга тегишлидир.

• *Бир чимдим кулги*

Ойисининг яп-янги, қимматбаҳо мўйнали пўстинни кийиб кўраётганини кузатиб турган Валижон:

- Ойи, бу пўстин бир бахти қаро жониворнинг оянчли қисмати маҳсули эканини биласизми? - дея сўради.

- Ўз отанг тўғрисида бундай дейишга қандай журъат этдинг?!

***

Ота беш ёшли ўғлига:

-Ўғлим, сенга лайлак кичкина укача олиб келди...

Ўғил энсаси қотиб деди:

-Сизга ҳеч тушунмайманда, дада. Атрофда шунча чиройли аёллар туриб, лайлакка бало борми?

***

Эр -хотин бетоб ётишибди.

-Жонгинам, - дейди эр хотинига,-агарда иккимиздан биримиз вафот этсак, мен албатта Одессага, онамникига кетаман.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир
Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Гуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.
Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12656. Буюртма Г-0857. Бичими А-3.
Навбатчи: Д.ХАЛИЛОВ
123456
Сотувда эркин нархда.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 17.30